

O'ZBEKISTON ISSN 2181-502X

QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

№12. 2020



Азиз ватандошлар, қишлоқ ва сув хўжалиги фидойилари сизларни бахтимиз қомуси – Конституция байрами ҳамда Қишлоқ хўжалиги ҳодимлари кuni муносабати билан қизгин муборакбод этамиз!





28 йил

**Дон ва дуккакли экинлар
илмий-тадқиқот институти жамоаси**

**халқимизни, аграр соҳа меҳнаткашларини,
олим ҳамда тадқиқотчиларни**

**Бош қомусимиз – Конституция куни ва
Қишлоқ хўжалиги ходимларининг
касб байрами билан самимий табриклайди!**



работники лесосеменной станции, которые прямо в полевых условиях экспресс методом определяют лабораторную всхожесть семян, которая используется при расчете нормы высева семян и определяется необходимый объем заготовки семян с учетом данного им планового задания. Деятельность работников лесного хозяйства направлена на то, чтобы собранными семенами из ПЛСУ оздоровить пустыню и осушенное дно Аральского моря через создание высокопродуктивных лесных насаждений устойчивых против вредителей и болезней. Благо материнские высокопродуктивные устойчивые против вредителей и болезней насаждения

саксаула на осушенном дне и в Приаралье имеются в достаточном количестве, заготавливая семена, из которых, можно полностью обеспечить всю отрасль лесного хозяйства нашей страны и даже экспортировать в соседние Республики.

Низомиддин БАКИРОВ,
Председатель Государственного Комитета по лесному хозяйству,
Абдушукур ХАМЗАЕВ,
зам. Председателя Госкомлеса,
директор НИИЛХ,
профессор, д.с./х.н.,
Зиновий НОВИЦКИЙ,
зав. Лабораторией защитного лесоразведения и песомелиорации,
д.с./х.н.,

ЛИТЕРАТУРА

1. Новицкий З.Б. Рекомендации по созданию постоянных лесосеменных участков на осушенном дне Аральского моря. — Ташкент, 2014. — 54с.
2. Новицкий З.Б. Рекомендации по размещению защитных лесных насаждений на осушенном дне Аральского моря. — Ташкент, 2008. — 11с.
3. Бакиров Н.Ж. и др. Перспективы возрождения осушенного дна Аральского моря// Узбекский экологический вестник, №9, 2019. — с.6-7.

УЎТ: 626.814.

ТАДҚИҚОТ

ЖАНУБИЙ СУРХОН СУВ ОМБОРИ ЮЗАСИДАГИ БУҒЛАНИШНИ АНИҚЛАШТИРИШ

В статье рекомендован метод уточнения месячных испарений из водохранилища. Приведены результаты расчета на примере Южно-Сурханского водохранилища.

In the article recommend calculation method of monthly transpiration from water reservoir. Given calculation results in case of South Surkhan water reservoir.

Сув омбори захирасидаги сувдан тежамли фойдаланишни амалга оширишда ва истеъмолчиларни ишончли сув билан таъминлашда захирадаги сув миқдорини аниқ билиш лозим. Бунинг учун эса сув омборидан йўқотилаётган сув миқдорларини, яъни буғланишга ва фильтрацияга исроф бўлаётган ҳамда ҳар йилги лойқа-чўкиндилар чўкиши ҳисобига тўхтовсиз камайиб бораётган фойдали ҳажмини аниқлаш зарур.

Сув омборлари сув юзасидан буғланишга йўқотилаётган сув миқдорини башоратлашда ўтган йиллардаги метеомеълумотлар асосида ҳисобланган ёки кузатувлар натижасида ўлчанган маълумотларидан фойдаланамиз ва сув омбори сув юзасидан бўлаётган буғланишнинг ойлик, ўн кунлик қийматларини ҳисоблаб чиқамиз. Буғланишни кузатувлар асосида ёки ҳисобий йўл билан олинган ойлик, ўн кунлик қийматларининг катталиклари башоратлаш эгри чизигидан узоқлашиши минимал бўлишлиги умуманиқ қоидаларга асосланади. Эгри чизик параметрларини аниқлаш қийинчилиги шундаки, у аниқ тенгламалар эгри чизигига мос келмайди. Бундай силлиқланган эгри чизиклар тенгламасининг сонли гармоник таҳлил усули ёрдамида олиш мумкин. Бунинг учун ушбу услубнинг тажрибада қўлланилиши кўрсатилганидек, Фурье қаторини ноллик ва учта биринчи тригонометрик жуфтликлари билан чекланиш лозим.

$$E_x = \alpha_0 + \sum_{i=1}^3 \left[a_i \cos\left(\pi \frac{I_x}{6}\right) + b_i \sin\left(\pi \frac{I_x}{6}\right) \right], \quad (1)$$



бунда

$$\alpha_0 = E = \frac{\sum_{i=1}^{12} E_i}{12}; \quad a_i = \frac{1}{6} \sum_{i=1}^{12} E_i \cos\left(\pi \frac{il}{6}\right); \quad b_i = \frac{1}{6} \sum_{i=1}^{12} E_i \sin\left(\pi \frac{il}{6}\right);$$

бу ерда: E_i - Ўртача кўп йиллик буғланишнинг ойлик, натура кузатувлари орқали ўлчанган ёки метеомеълумотлар асосида ҳисобий йўл билан олинган қийматлари.

Ушбу тавсия этилаётган услубни Жанубий Сурхон сув омбори сув юзасидан бўлаётган буғланишнинг ойлик қийматлари учун қўллаيمиз. У ҳолда биринчи формула (1) орқали аниқланган силлиқланган эгри чизик тенгламаси Жанубий Сурхон сув омбори учун қуйидаги кўринишга эга бўлади.

$$E_x = 83,4 - 71,19 \cos \frac{\pi x}{6} - 29,65 \sin \frac{\pi x}{6} + 13,4 \cos \frac{\pi x}{3} + 4,39 \sin \frac{\pi x}{3} - 0,38 \cos \frac{\pi x}{2} + 2,87 \sin \frac{\pi x}{2}.$$



1-расм. Жанубий Сурхон сув омбори сув юзасидаги ойлик буғланиш диаграммаси.

бу ерда:

1-жадвал.

x = ойлар (1, 2, 3...12)

Ҳосил бўлган ифода орқали Жанубий Сурхон сув омборида сув юзасидан бўлаётган буғланишнинг ойлик ҳисобий миқдорини аниқлаштирилган қийматлари 1-жадвалда келтирилган.

Жанубий Сурхон сув омборида сув юзасидан бўлаётган ойлик буғланишнинг диаграммалари 1-расмда келтирилган (а-ҳисобий, б-аниқлаштирилган).

Шуни таъкидлаш керакки, тавсия этилаётган усул Жанубий Сурхон сув омборида сув юзасидан бўлаётган буғланишнинг йиллик миқдорий катталигини ўзгартирмасдан ойлик катталигини аниқлаштиради.

Олиб борилган тадқиқотлар кўрсатишича, Республикамиз иқлимнинг иссиқ ва қуруқлиги, сув омборлари географик жойлашувининг ҳар хиллиги туфайли сув омбори юзасидан буғланишга йўқотилаётган сув миқдори Сирдарё ҳавзасида жойлашган сув омборларида уларнинг умумий ҳажмининг ўртача 2,1 фоизини, Амударё ҳавзасида жойлашган сув

Жанубий Сурхон сув омборида сув юзасидан бўлаётган ойлик буғланишнинг ҳисобий ва аниқлаштирилган қийматлари.

Буғланиш, мм	Ойлар											
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
Ҳисобий	37	38	48	65	122	157	132	126	105	70	56	45
Аниқлаштирилган	20	19	37	83	136	168	168	142	103	63	37	26

омборларида уларнинг умумий ҳажмини ўртача 8,4 фоизини ташкил этади. Баъзи бир саёз сув омборларида бу кўрсаткич 11-15 фоизгача етади. Буғланишни аниқлаштирилган катталиги, сув омборларидан йўқотилаётган сув ҳажмини аниқлашда, сув баланси ҳисобларини амалга оширишда ҳамда сув омборларини самарали тўлдириш ва бўшатишнинг иш режимларини ишлаб чиқишда фойдаланилади.

Фурқат ГАППАРОВ,
т.ф.н., доцент,
Сафар МАНСУРОВ,
ассистент,
ТИҚХММИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Гаппаров Ф.А. Потери воды на испарение из ирригационных водохранилищ. Научно-теоретический и практический журнал «Вестник Прикаспия». - Астрахань, 2016. - №1. С. 45-48.
2. Гаппаров Ф.А., Нарзиев Ж.Ж., Ғаффарова М.Ф. Чимқўрғон сув омбори юзасидан бўлаётган буғланишнинг ойлик ҳисобий катталигини аниқлаштириш. “Ўзбекистон Республикаси жанубий ҳудудида сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг муаммо ва ечимлари” мавзусида респ. илм.-амал. анж. Қарши: ҚарМИИ, 2016. 54-56-б.
3. Брукс К., Карузерс Н. Применение статистических методов в метеорологии. – Л.: Гидрометеиздат, 1963 г. 416 с.

УЎТ: 631.345:61.

ТАДҚИҚОТ

ТУПРОҚНИНГ ЎСИМЛИК ҚОЛДИҚЛАРИ БИЛАН БОЙИШИГА ҚИСҚА НАВБАТЛАБ ЭКИШ ТИЗИМИГА КИРИТИЛГАН ЭКИНЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Experiments were conducted to determine the effect of crops included in the system of shory - term crop rotation in the soil conditions of the Republic of Karakalpakstan, on the enrichment of the soil with root and sedimentary residues.

Қорақалпоғистон Республикаси тупроқлари шўрланган, унумдорлиги паст бўлиши билан ўзгачаланади. Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш учун тупроқ унумдорлигини ошириш тадбирлари кўрилиши керак. Бунда кузги буғдойдан кейин такрорий ва оралиқ экинларни экиш, бунга қўшимча органик ўғитларни қўллаш тупроқ унумдорлигини оширади ва кейинги йиллари экиладиган ғўза учун қулай шароит яратилади.

Тупроқ таркибидаги органик қолдиқлар манбаи ўсимлик илдири ва анғиз қолдиқлари ҳисобланади. Тупроқда ўсимлик илдири ва қолдиқлари қанча миқдорда қолиши алмашлаб экиш тизимида киритилган экинлар турига, экилиш усулига ва муддатига боғлиқ бўлади. Бу борада алмашлаб экиш тизимида такрорий ва оралиқ экинларни экиш ҳар томонлама фойдали ҳисобланади.

Биз қисқа навбатли ғалла:ғўза (1:2) алмашлаб экиш тизимида киритилган илдири ва анғиз қолдиқлари қолишини аниқладик.

Дала тажрибаси Қорақалпоғистон Республикаси марказий тупроқ-иқлим минтақасида, Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалининг Хўжайли туманида жойлашган ўқув-тажриба хўжалигида ўтказилди. Тупроқлари ўтлоқли-аллювиал, механик таркиби ўртача, сизот сувлари 1,5-2,0 м да жойлашган, шўрланган.

Қисқа навбатлаб экиш тизимларида кузги буғдойдан сўнг экилган такрорий экинлар: мош, кунжут, жўхори ва оралиқ экинларнинг тупроқда қанча миқдорда илдири ва анғиз қолдириши ҳамда улардан сўнг экиладиган ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганишдан иборат.

Тажрибада қуйидаги вариантлар ўрганилди: 1-вариант, ғўза (назорат),

2-вариант, 1:2, кузги буғдой + такрорий экин (мош): ғўза:ғўза, 3-вариант, 1:2, кузги буғдой + такрорий экин (кунжут) : ғўза : ғўза; 4-вариант, 1:2, кузги буғдой + такрорий экин (жўхори) : ғўза : ғўза, 5-вариант, 1:2, кузги буғдой + такрорий экин (жўхори) + 20 т/га гўнг : ғўза : ғўза, 6-вариант, 1:2, кузги буғдой + такрорий экин (мош) + оралиқ экин (мош) : ғўза : ғўза, 7-вариант, 1:2, кузги буғдой + такрорий экин (жўхори) + оралиқ экин (мош) : ғўза : ғўза, 8-вариант, 1:2, кузги буғдой + такрорий экин (жўхори) + оралиқ экин (мош) + 20 т/га гўнг : ғўза : ғўза. Ҳар бир вариантнинг майдони 240 м², тўрт такрорланишда олиб борилди.

Қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимида киритилган экинларнинг тупроқни ўсимлик қолдиқлари билан бойитилишига қандай таъсир кўрсатишини аниқлаш мақсадида ҳар йил охирида тупроқ таркибидаги ўсимлик илдири ва анғиз қолдиқлари аниқланди.

ЎЗБЕКИСТОН QISHLOQ VA SUV ХО‘ЖАЛИГИ

АГРАР-ИҚТИСОДИЙ,
ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАРИ

Бош муҳаррир:

Тоҳир ДОЛИЕВ

Таҳрир хайъати:

Шухрат ҒАНИЕВ

Жамшид ХОДЖАЕВ

Шавкат ХАМРАЕВ

Шухрат ТЕШАЕВ

Баҳодир РЎЗИБОВЕВ

Баҳодир ТОЖИЕВ

Равшан МАМУТОВ

Аброр ВАХОБОВ

Баҳром НОРҚОБИЛОВ

Низомиддин БАКИРОВ

Ботиржон СУЛАЙМОНОВ

Ўктам УМУРЗОҚОВ

Равшанбек СИДДИҚОВ

Мирзиёд МИРСАИДОВ

Бахтиёр КАРИМОВ

Ибрагим ЭРҒАШЕВ

Мурод АШУРОВ

2020 йил,
№12. Декабрь

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

Обуна индекси:
якка обуначилар учун – 894
ташкilotлар учун – 895

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига	1
Т.ДОЛИЕВ. Жадал ислохотлар	3
Замонавий технологияларни жорий этиш кенгаймоқда	5
Ш.НОРМУРОДОВ. Мехнатидан шухрат топиб	6
Х.КАРИМОВ. Хориж бозорига чиқаётган дехқон	7
Мамнуният	7
Ш.ЖАББАРОВА. Мақсад бандлик ва халқ фаровонлигини таъминлаш	8
Ш.ЖАББАРОВА. Қишлоқ фарзандиман	9
Ш.СОДИҚОВА. “Дўстлик” каналида иш қизгин	10
Бугунги заҳматлар – келгуси зафарлар замини	11
Шижоат билан янги марралар сари	12
М.ТОШБОЛТАЕВ. Дехқонлар учун янги машиналар	13
К.ЭРҒАШЕВ. Етук кадрлар тараккиёт драйвери	14
Д.ЁРМАТОВА, Х.ХУШВАҚТОВА. Ғўза қатор ораларига соя экиш: тажриба ва натижалар	15
Р.ТОЖАЛИЕВА. Ютуқлари мактовга лойиқ	16
Сурхон юртининг алломишлари	17
Далалардаги фидойилик	17
Р.ЮСУПОВА. Кўнгли ёруғ, қалби ғурурли фермерлар	18
Мақсадлари – тўқинлик	18
Қоракўлчилик — сердаромад соҳа	19
Н.ХУДАЙБЕРГЕНОВ, Р.ТИЛЛАЕВ. Дехқончилик тизимининг ривожланиш босқичлари	21
А.ИСМАИЛОВА. Маъдан ва маҳаллий ўғитларни биргаликда қўллашнинг ғўза ҳосилдорлигига таъсири	22
Ф.ХАСАНОВА, И.КАРАБАЕВ, М.АТАБАЕВА. Тупроққа турли усулда ишлов бериш ҳамда азотни аммиак шаклида қўллашнинг ғўза ўсиши ва ривожланишига таъсири	24
Ҳ.ҚАРШИБОВЕВ, С.ҒАЙБУЛЛАЕВ, Ж.МАВЛАНОВ. Қаттиқ бугдой экинни селекциясининг ривожланиш тарихи	25
С.АБДУРАМАНОВА, О.ҚАХХОРОВА, А.ЭРМАТОВ. Ўсишни бошқарувчи турли таркибли ва концентрацияли моддаларнинг “Идеал” ёнғок навининг in vitro усулида шоҳланишига таъсири	26
Ж.ЭРМАКОВА, Х.ДАМИНОВ. Шафтолидан қуруқ маҳсулот тайёрлаш технологияси	27
С.САЛИЕВ, З.БЎСТОНОВ. Иссиқхонада баклажондан юқори ҳосил олишда мақбул экиш схемаларини танлаш	30
Т.ХОЛМЎМИНОВ. Ширин қалампир фойдали сабзавот экинни	31
Р.НОРМАХМАТОВ. Косточковые плоды – важные источники каротина	32
Б.АЛЛАШОВ, С.ЖАМОЛОВ, С.БОТИРОВ. Қашқарбедани жавдар бошоқли экинни аралашма ҳолда экиб етиштириш	33
О.ЮЗБАШЯН, Х.АБДУРАХМОНОВ. Дефолиация и ее роль в снижение численности вредных насекомых хлопчатника	34
М.АБДУЛЛАЕВ. Некоторые инновационно-экологические проблемы аграрного сектора в регионах Узбекистана	36
Н.БАКИРОВ, А.ХАМЗАЕВ, З.НОВИЦКИЙ. Как создать семенную базу саксаула в Приаралье?	37
Ф.ГАППАРОВ, С.МАНСУРОВ. Жанубий сурхон сув омбори юзасидаги буғланишни аниқлаштириш	38
Д.ИСМАИЛОВ. Тупроқнинг ўсимлик қолдиқлари билан бойишига қисқа навбатлаб экиш тизимига киритилган экинларнинг таъсири	39
Ш.НУРМАТОВ, А.РАХИМОВ, Р.РАХМОНОВ. Ирригация эрозиясига чалинган типик бўз тупроқлар шароитида такрорий экинлар соя ва картошкага қўлланилган органомаядан компостларга боғлиқ ҳолда анғиз ва илдиш қолдиқларига таъсири	40
Н.АСКАРОВ, А.БАХРИДДИНОВ. Қишлоқ хўжалигида моддий-техник ресурслар таъминоти тизими: иқтисодий моҳияти, ўзига хослиги ва назарий жиҳатлари	42
А.ТАШПУЛАТОВ. Қишлоқ меҳнат бозорини комплекс таҳлил этишининг долзарб масалалари	43
С.БАЛТАШОВ. Замонавий иқтисодий шароитда ёпик грунтларда сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари	45
Д.МАРАСУЛОВА, А.ТОИРОВ. Она табиат куйчиси	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2019 йил 10 январда 0158-рақам билан қайта рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент ш.,
Шайхонтохур т., А. Навоий к., 44-уй.

Тел: +998 71 242-13-54,
+998 71 242-13-24,
+998 71 249-13-54

www.qxjournal.uz

E-mail: uzqx_jurnal@mail.ru,

Telegram: qxjournal_uz

© «O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi»

Босмаҳонага топширилди: 2020 йил 14 декабрь. Босишга рухсат этилди: 2020 йил 14 декабрь. Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозига чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма №14/12. Нусхаси 1400 дона.

RELIABLE PRINT
МЧЖ да чоп этилди.

Қорхона манзили:
Тошкент шаҳар Чорсу майдони 3А.

Навбатчи муҳаррир: А. ТОИРОВ
Дизайнер: У. МАМАЖОНОВ

ОБУНА – 2021 *** ОБУНА – 2021 *** ОБУНА – 2021

АГАР СИЗ «O‘ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI» ВА «AGRO ILM» ЖУРНАЛЛАРИГА ОБУНА БЎЛСАНГИЗ:



- аграр соҳага оид долзарб мавзулардаги мақолалар;
- агросаноат мажмуига кирувчи корхона ва ташкилотлар, жумладан, илғор фермерлар, чорвадорлар ҳамда ирригация-мелиорация тармоқларида ибратли ишларни амалга ошираётган замондошларимиз, уларнинг ютуқ ва илғор тажрибалари ҳақидаги материаллар;
- олим ва мутахассисларнинг таҳлилий ҳамда амалий тавсия, маслаҳатлари;
- қишлоқ хўжалиги фанида эришилаётган илмий натижалар, ихтиролар;
- дунё қишлоқ хўжалигидаги янгиликлар билан мунтазам танишиб, касбий маҳорат ҳамда малакангизни ошириб борасиз.

Обуна индекслари:
«O‘ZBEKISTON QISHLOQ
VA SUV XO‘JALIGI» – 895
«AGRO ILM» – 859

ISSN 2091-5616
AGRO ILM
5 (681) - SON, 2020

ISSN 2181-8150
O‘ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI
№7. 2020

Бўла-яраётганда юлдуз белгилар
Ва тинчлик, оқимлик – шудур соғлом.
Dezsoning сўралида дона шу фикр,
Хурдонлар узди шу ўйга фарсат.

**Журналларимизга 2021
йил учун обуна бўлинг!**

